

TOSHKENT HAQIQATI

2023-yil
27-sentyabr
CHORSHANBA
№ 71 (13630)

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline_24

Haqiqat online

haqiqatonline_



QR-kod



Мулоҳаза ТАЪЛИМДАГИ ИСЛОҲОТ: ШАКЛ ЎЗГАРДИ, МОҲИЯТЧИ?

Болага "беш баҳо" етарлими?



Мамлакатимизда халқ таълими соҳасида қилинаётган ишлар, ўқувчи-ёшларнинг таълим-тарбиясига қаратилган эътибору ғамхўрликларни кўриб, эшитиб қувонасан киши. Жойлардаги таълим масканлари замонавий кўриниш олаётгани, янги мактаблар қад кўтараётгани, зарур ўқув қуроллари ҳамда энг сўнги ахборот технологиялари билан жиҳозланаётгани – буларнинг бари бугун "таълим оламан, илм ўрғаниб, эл қорига ярайман", деган ўғил-қиз учун яратилаётганига ҳеч шубҳа йўқ. Бу каби тизимли ишлар натижасида устоз-мураббийларнинг қадди ва қадрини қайта тикланди. Уларнинг маошлари сезиларли даражада оширилди. Мактабларга чин маънода нафас, янги руҳ кириб келди. Бироқ бу шароит ва имкониятлар биз – ота-она ва ўқитувчилар олдида катта масъулият, муҳим ва кечиктириб бўлмайдиган вазифаларни ҳам юклаши табиий.

Бир эсланг, яқин-яқингача ҳам "Ойликлар кам, шароит йўқ, синфхоналар иситилмайди, дарсликлар етишмайди", дея нолирдик. Ўқитувчи дарс ўтиш, ўз устида ишлаш ўрнига қоғозбозлик билан шуғулланарди. Шўқри, булар ортада қолди. Айниқса, ўқув қўлланмалар сифати ошди. Китобларнинг мазмунидан тортиб, полиграфик ҳолатига ҳам ўзгарди. Олдинлари китоблар иккинчи йилга бормаёқ йиртила бошларди. Энди эса уларнинг сифати, дизайни, ранг-баранглиги кўзни қувонтиради. Умуман, жамиятда мактабга, таълимга муносабат буткул ўзгарди. Аммо ўқувчиларнинг таълимга қизиқиши, билимларни ўзлаштириш кўрсаткичи қай аҳволда? Яъни, шакл ва моҳият деган тушунча бор. Юқорида таъкидланган иккинчи ишларни шаклан деб оладиган бўлсак, унинг моҳияти – таълим сифатида катта силжишлар бўлдимми?

2

Қизилтоғ аҳлининг кўнгли тоғдек юксалди

2023 йил – Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили

Сўнги йилларда вилоятимизда бўлаётган ўзгаришлар кўпчилигининг ҳайрати ва ҳавасини келтирмоқда. Хусусан, Паркент туманининг энг олис ҳудуди – Қизилтоғ шаҳарчаси Президентимиз ташаббуси билан қисқа муддатда бутунлай янгича қиёфа касб этди. Худудда аҳолининг турмушини яхшилаш, муносиб шарт-шароитлар яратиш мақсадида қатор ижтимоий ва ишлаб чиқариш объеклари фойдаланишга топширилди.



Улардан энг салмоқлиси "Олмалиқ КМК" АЖ ҳомийлигида замонавий кўринишда таъмирланган "Чотқоғ" маданият саройининг очилиши бўлди.

Тантанали маросимда Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев, Ўзбекистон Республикаси маданият вазири Озодбек Назарбеков, ОКМК бошқарув раиси Абдулла Хурсанов, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, вилоят фаоллари, нурунийлар ҳамда ёшлар иштирок этишди. Тадбирда сўзга чиққанлар, мамлакатимиздаги барча ислохот ва бунёдкорликлар, аввало, инсон қад-

рини улуғлаш, фуқароларнинг фаровон ҳаёт кечиришлари, ўғил-қизларимизнинг яхши билим олиб, ижодий салоҳиятларини ривожлантиришга қаратилаётганини таъкидлашди.

Фахрийлар рамзий лентани қирқиди. Тадбир иштирокчилари ва меҳмонлар маданият саройида яратилган шароитлар билан танишишди.

– Бундан қарийб 65 йил аввал қурилган мазкур бино яқин йилларгача қаровсизликдан абгор аҳволга келиб қолган эди, – дейди маданият саройи директори Алишер Абдукаримов. – Бу бинодан кўплаб тарихий фильмлар, жумладан, "Илҳақ" бадиий фильмини суратга олишда фойдаланилган. Давлатимиз раҳбарининг топшириғига биноан, жорий йилнинг апрель ойида бошланган таъмирлаш ишлари қисқа муддатда яқунлашиб, масканда барча шароитлар яратилди. Сарой ҳовлисига кираве-

ришда катта мусиқий фаввора ўрнатилди. Унинг атрофига тўрт тарафдан барпо этилган йўлаклар уйғунликда худди очилди турган гулни эслатади. Маданият саройида 350 ўринга мўлжалланган катта томоша зали, кутубхона, бадиий тўғраклар учун хоналар мавжуд. Бинонинг моддий-техника базаси мустаҳкамлашиб, мусиқа асбоблари, замонавий жиҳозлар ҳамда кўчма саҳналар билан таъминланди. Иккинчи қават эса тўлиқ хай-тек усулида безатилди. Бинони таъмирлаш ва жиҳозлашга жами 12 миллиард сўм маблағ сарфланди.

Шу куни нурунийлар, жамоатчилик вакиллари худуддаги ўзгаришларни ўз кўзлари билан кўриб, маҳаллий аҳоли билан суҳбатда бўлишди. Айниқса, шаҳарчадаги шиғохонда яратилган шароитлар эътирофга лойиқ эканини таъкидлашди.

(Давоми 2-саҳифада) ▶

Хаёл Бошқа – ҲАЁТ БОШҚА



3

Мавсум

Хирмонга барака!

Шу кунларда вилоятимизда пахта йиғим-терими авж паллага кирди. Катта меҳнат эвазига етиштирилган "оқ олтин"ни нест-нобуд қилмай, ёмғирли, қорли-қировли кунларга қолдирмай йиғиб олиш учун теримчилар уюшқоқлик билан ҳаракат қилишмоқда. Маълумотларга кўра, жорий йилги мавсумда 260 минг тонналик ҳосилни йиғиб олишда кластер ҳамда фермер хўжалиги ишчиларининг 75 минг 700, шунингдек, уюшмаган аҳолининг 45 минг 300 нафари иштирок этмоқда.

3



Вилоят бўйлаб

ТОШКЕНТ вилояти ҳокими Зойир Мирзаев иқтисод қилинган маблағлар ҳисобидан Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ туманидаги кам таъминланган, ногиронлиги бор, эҳтиёжманд оилаларнинг уй-жойларини таъмирлаш, маънан эскирганларини янгидан қуриш учун 2 миллиард сўм маблағ ажратди.



ОҚКЎРҒОН туманидаги "Бойғули" маҳалласи аҳолисининг турмуш шароити хонадонбай ўрганилди. Маҳалладаги ободонлаштириш ва кўкаламлаштириш ишлари кўздан кечирилди.



ЧИРЧИҚ шаҳар спорт мактаби дзюдочилари пойтахтимизда ўтказилган халқаро очиқ турнирда 4 та медални қўлга киритишди.



ЗАНГИОТА тумани ФВБ ходимлари томонидан "Кўёшли" маҳалласидаги "Zangiota quyoshli yul" бошқарув сервис компаниясига қарашли 13 та кўп қаватли унингиз куз-қиш мавсумига тайёргарлиги ўрганилди.



рилиб, янги футбол майдончаси қурилди. "Ойдин" маҳалласида воркаут ва стритбол, Саид ота номи маҳаллада эса универсал спорт майдони қуриб битказилди. Худуддаги истироҳат боғи замонавий кўринишга келтирилди. Шаҳарчадаги 23 та кўп қаватли уйнинг фасад қисми, 9 та уйнинг том қисми, 92 та кириш йўлаклари таъмирланди ҳамда 2 та болалар майдончаси барпо этилди.

Шаҳарчада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳам яхши ривожланмоқда. Хусусан, Сухробжон Юнусов раҳбарлигидаги "Hilale Textiles" МЧЖ қисқа фурсатда ўз маҳсулотлари билан хориж бозорларида ўрнини топди. Беш юздан ортиқ иш ўрни яратилган корхонада ойига 300 минг донадан зиёд юқори сифатли текстиль маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Маҳсулотнинг асосий қисмини Европа давлатларига экспорт қилаётган корхонанинг йиллик даромади 10 миллион долларга етди.

Қизилтоғ аҳлининг кўнгли тоғдек юксалди

— Аввалги шифохонамизда на беморлар ва на ходимлар учун шароит бор эди, — дейди ҳамшира Сайёра Бегматова. — Иссиқ сув у ёқда турсин, ҳатто совуқ сувни ҳам чепаклаб ташқаридан ташиб келардик. Дори-дармонларни беморлар ўзлари олиб келишарди. Энди барчаси ўзгарди. Муассасамизда замонавий ускуналар ишляпти, дорилар таъминоти ҳам яхшиланди. Эндиликда ёлғиз кексалар, кам таъминланган оила аъзоларини ўзимиз қақриб, янги диагностика аппаратларида текшириб, даволяпмиз.

Та ижтимоий соҳа объекти, жумладан, 56-мактаб тўлиқ реконструкция қилинди. Шу жумладан, Ўзбекистон футбол ассоциациясига қарашли "Футбол" стадиони қайта таъмирланди. Уйингоҳ учун махсус ётоқхона биноси қуриб берилди. Мазкур мажмуаларда ёшлар учун барча қулайликлар яратилган. Туман факулдада вазиятлар бўлимига қарашли 4-касбийлашган ёнгин кўтқарув қисми ҳам капитал таъмирланиб, кўшимча бино қурилди ҳамда битта ўт ўчириш автотранспорт воситаси ажратилди.



боев. — Аҳоли, айниқса, ёшлар ўзларини гўёки унутилгандек ҳис қилишар эди. Бугун эса давлатимиз раҳбарининг эътибори ва ғамхўрлигидан кўнглимиз тоғдек кўтарилди. Шаҳарчамиздаги 4 та маҳаллада 15 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Улар бўлаётган ўзгаришлардан жуда хурсандлар. Ҳамманинг тилида ҳам, дилида ҳам шукроналик.

Дарҳақиқат, Қизилтоғ шаҳарчасида амалга оширилган ишлар таҳсинга сазовор. Аммо катта ўзгаришлар ҳали олдинда. Зеро, Президентимизнинг ташаббуси билан шаҳарчадаги бунёдкорликлар 2024-2025 йилларда ҳам давом эттирилади. **Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири** Жалопиддин ЭСОНОВ олган суратлар

Эътиборлиси, Қизилтоғ шаҳарчаси шифохонаси 19 турдаги замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Бугунги кунда 5 нафар малакали шифокор ишга қабул қилиниб, туну кун фаолият олиб бормоқда. Шу билан бир қаторда худудда тез тиббий ёрдам хизматини яхшилаш мақсадида бир дона "Фольксваген" автомобили харид қилинди. Бундан ташқари, шаҳарчага йўналтирилган инфратузилмавий инвестициялар ҳисобидан 7 (Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

ТАЪЛИМДАГИ ИСЛОҲОТ: ШАКЛ ЎЗГАРДИ, МОҲИЯТЧИ?

Таълимдаги оқсоқликларнинг бир қанча сабаблари мавжуд, албатта. Дастлабкиси ўқувчини етарли даражада рағбатлантира олмаётганимиз. Одатда, самарали ишни ташкил қилишнинг икки муҳим фактори бор: рағбат ва чора. Хўш, бугун ўқувчини нима билан рағбатлантиряпмиз? Унга қандай мотивация беряпмиз? Фақатгина беш баҳо биланми? Назаримда, мактабда боланинг ривожига стимул бўладиган рағбатлар сусайиб кетган. Ҳаттоки, мактаблараро бўлиб ўтadиган турли билим танловлари ғолибларини ҳам арзимас совғалар билан "сийлаяпмиз". Президент сайёҳаракатлари билан ташкил этилган, ҳар йили минглаб ёшлар иштирок этадиган "Ёш китобхонлар" танловини олайлик. Бу билим мусобақаси ёш қари, катта-ю кичик орасида жуда машҳур бўлди. Кўпчилик оилаларнинг китобхонлиқа қизиқиши орди. Танлов факулдада зўр натижа берди. Болалар китоб ўқиб, элга танила бошлади. Нафақат машҳурлик, балки танлов ғолибига арзигулик қийматдаги совға — "Спарк" автомашинасининг берилгани — ёшларга "китоб ўқиб, машина миниш мумкин" деган ғояни сингирди. Оддий мактаб шароитида-чи?



Очиғи, биз болани ота-онасига мақташ ёки беш баҳо қўйишдан нарига ўта олмаямиз. Ёмон ўқигани учун

тўрт яқини келади, холос. Қолганлар "вақтимиз йўқ"дан келишади. Энг катта камчилигимиз мана шунда. Ҳа, яна бир гап. Аксарият ўқувчиларда мустақил фикр шаклланмаган. Сабаби бошланғич синфларда масала ва машқларни ўзлари эмас, ота-онаси кўмағида ечишган. Бора-бора эса, бола калькулятордан фойдаланишни ўрганиб олади. Ахир математик амаллар, физика ва геометрик мисоллар болани мустақил фикрлашга, зехнини тобора ўткирлашга хизмат қилади-ку! Биз эса, уларни мана шу имкониятдан билиб-билмай маҳрум қилапмиз.

ЎҚИМАСДАН КАСБ ТАНЛАШ БОШЛАНСА...

Масала-мисол ва машқларни мустақил еча олиш кўникмаларидан бошланғич синфдан оқ маҳрум этилган бола каттароқ синфга ўтгани сайин баттар қийнала бошлади. Чунки юқори синфларда топшириқлар ҳам тобора мураккаблашиб боради. Худди шу аснода бола еттинчи-саккизинчи синфга келгач, ўқимасданам эгаллаш мумкин бўлган касбларни танлайди. Ота-она эса, уни олий ўқув юртиларида ва албатта, нуфузли илмгоҳларда ўқишини хоҳлайди ва таълим олишга мажбур қилади. Бу пайтда эса, ягона нажоткор — репетитор.

Ё ҲАЁТ, Ё МАМОТ МАСАЛАСИ

Аввало, она, фаол фуқаро, қолаверса, устоз сифатида ота-оналарга қарата шуни айтмоқчиман: фарзандингизнинг келажагига бефарқ бўлманг! Унинг тарбияси, таълими билан шуғулланишни кечиктирманг. Шуни билинг, сизнинг кўмагингизсиз ҳеч ким жигарбандингизни ақли, билими, боринг ана, "вундеркинд" қилиб қўя олмайди. Ахир бола уйда ўрганганини, оилада ўрнатилган тарбиясини кўчада намоён этади. Ўзи учун қаҳрамон билган ота-онасининг қизиқиши, эътибори, назорати туйғулган мактабдаги ўқишини яхшилаб боради. Ҳаётий тажрибалар ҳам шуни кўрсатмоқдаки, мактабда ота-онасининг назорати остида ўқиб, мисол ва машқларни ўз интилиши билан

ишлаган ўқувчилар ҳар томонлама етук бўлиб, камол топмоқда. Қайси соҳада бўлмасин, салмоқли ютуқларга эришмоқда. Аммо, бошланғич синфдан бошлаб уйга ва зифаларини ота-онаси кўмағида ишлашга ўрганган, бироз ўлгайган, калькулятор ёрдамида баҳо олган болалар меҳнат жамоаларида ҳам кимларнингдир ёрдамига муҳтож бўлиб қолишадиганини афсуски, кўриб, кузатиб келяпмиз. Сиз шундай келажакни болангиз учун рово кўрасизми? Ўйланг, хулоса қилинг...

Дилором МИРФАЁЗОВА, Қибрай туманидаги 6-сонли ихтисослашган давлат умумтаълим мактабининг математика фани ўқитувчиси

Танлов ЛОЙИҲА ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондидини Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 32 йиллиги муносабати билан "Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун!" мавзусида 2023 йилдаги давлат гранти 3-танлови ғолиблари аниқланди.



Танловга 8 та мавзу бўйича 9 та ташкилотдан лойиҳалар келиб тушди. Комиссия аъзолари томонидан лойиҳаларнинг ижтимоий аҳамияти, маълумотларнинг асосли ва ҳаққонийлиги, амалга оширишда ижтимоий шериклик принциплари назарда тутилганлиги, лойиҳа бюджетини лойиҳа мазмунига мувофиқлиги алоҳида кўриб чиқилди. Унга кўра, Бекобод туманининг «Ўзбекистон», Нурафшон шаҳрининг «Нурафшон», Янгийул шаҳрининг «Файзли», Бўка туманининг «Истиқлол» маҳалла фуқаролари йиғинлари ҳамда Республика Маънавият ва маърифат маркази Нурафшон шаҳар бўлинимаси, Ўзбекистон Корея маданий марказлари Ассоциациясининг Юқори Чирчиқ тумани худудий бўлинимаси, Ўзбекистон ногиронлар жамиятининг Ангрэн шаҳар бўлинимаси, "Ёшлар кўнгаллиги" газетаси ғолиб деб топилди.

Камолитдин КАРИМОВ, ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди директори

Тадорик



Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Тошкент вилояти аҳолисининг икки миллиондан зиёди марказлашган ичимлик суви билан таъминланган. 796 минг аҳоли альтернатив ичимлик суви манбаларидан фойдаланади. Шунингдек, уч фоиздан юқори аҳолига ичимлик суви махсус транспортда етказиб берилди. Афсуски, мавжуд 6 683,6 км. ичимлик суви тармоқларининг икки ярим минг км.дан ортиғи таъмирталаб ҳолатда. Шунингдек, аҳоли хонадонларининг

Қолган ишга қор ёғмасин!

олти юз мингдан зиёди марказлашган оқова суви хизматида уланган. Айни пайтда 400 км. дан кўпроқ оқова суви тармоқлари таъмирлаш лозим. — Куз-қиш мавсумини бетафот ўтказиш мақсадида ўтган ой ҳолатига кўра, салкам 20 қақирим сув тармоғи мукамал таъмирланди, — дейди "Toshkent suv ta'minoti" МЧЖ директорининг биринчи ўринбосари Озоджон Норбоев. — Шунингдек, ичимлик суви тармоқларининг 128 км., 84 дона насос ускуналари жорий таъмирланди. Асосийси, қиш мавсумида насос қурилмаларининг босимини назорат қилувчи янги ускуна ўрнатилиши учун бюджет маблағидан 7,5 миллиард сўм

ажратилиши кўзда тутилган. Айни кунларда куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш мақсадида МЧЖ томонидан Юқори Чирчиқ туманининг "Истиқлол" маҳалласида жойлашган "Ўзбекистон пахта тозалаш корхонаси" худудида ўқув машғулоти ўтказилди. Машғулотларда вилоятнинг йиғма механизация отрядининг махсус муҳандислик техникалари: юк ташувчи, юк ортувчи кран, экскаватор, бульдозер ҳамда коммунал хўжалиги корхоналарининг куз-қиш мавсумига тайёргарлиги бўйича захира материаллари тўпламларининг саф кўриги намойиши ўтказилди. **Нигора ЎРОЛОВА, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири**

Ўйинчоқлар: ДАРОМАД МАНБАИМИ ЁКИ КЕЛАЖАГИМИЗГА ЗАРБА?

Ўйинчоқлар болаларнинг ақлан ривожланишида катта аҳамият касб этади. Аммо бугунги қура билан қандай ўйинчоқлар ўйнапти? Ўйинчоқлар савдоси билан шуғулланаётган тадбиркорларнинг асосий мақсади нима? Бола камолотига ҳисса қўшиши ёки мўмайгина даромад топиш?



Маънавиятимизга ёт бўлган ҳолатларни фарзандларимиз онгига сингдиришга уринаётган ўйинчоқлар савдосини қандай назорат қилиш керак, бу борадаги чора-тадбирларни қулайтириш учун айнан нималарга кўпроқ эътибор берилиши хусусида экспертлар тақлифларини ўргандик. — Биз болажон халқимиз, — дейди шоир Шодмонкул Салом. — Фарзандларимиз кўп бўлгани яхши, бироқ ба-

ракотли бўлиши зарур. Бунинг учун айнан болалар ўйинчоғини ишлаб чиқарадиган, савдоси билан шуғулланадиган, унинг болаларга таъсирини ўрганадиган одамлардан бошлаб, ҳаммамиз масъул бўлишимиз керак. Чунки бу бир кишининг муаммоси эмас, бутун халқнинг, миллатнинг муаммоси. — Хўш, фарзандларимиз келажаги, соғлиғига ёмон таъсир қилувчи, беҳаёликни тарғиб қилувчи

айрим ўйинчоқлар савдоси қандай назорат қилинади? — Маънавиятимизга, қадриятларимизга ёт бўлган, қонунчилигимизга зид келадиган ўйинчоқлар ёки буюмларнинг сотувлари бўйича юртимизда чекловлар мавжуд, — дейди Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитаси бошқарма бошлиги Сардорбек Отамуротов. — Бундай маҳсулотларнинг сотилиши ёки рек-

лама қилиниши реклама тўғрисидаги қонунчиликка зид ҳисобланади. — Миллий қаҳрамонларимиз сиймоси акс этган кўғирчоқларни яратиш учун нималар қилиш керак? — Мен миллий қаҳрамонларимиз сиймоси акс этган ўйинчоқларнинг барчасини яратишга тайёрман, лекин бу катта ижтимоий лойиҳа, — дейди тадбиркор Анвар Абдуқано. — Ўйинчоқ яратишдан олдин ўша ўйинчоқни оммага танитиш учун у ҳақда мультфильм ёки кино ишлаб чиқарилади. Миллий қаҳрамонларимиз ҳақидаги мультфильмни яратиш, кейин ўйинчоғини ишлаб чиқариш учун жуда катта маблағ керак. Бу мультфильм миллион, яъни миллиондан юқори турадиган лойиҳа ҳисобланади. Ҳали машҳур бўлмаган мультфильм қаҳрамонига ўйинчоқ ишлаб чиқара олмаймиз. Чунки машҳур бўлмаган мультфильм қаҳрамон-

ларининг ўйинчоқлари хариддоргир бўлмайди. — Фарзандларимиз мана шундай ёт мафқуралардан омон сақлаш учун нималарга эътибор беришимиз керак? — Болалар ўйинчоқлари хавфсизлиги тўғрисида техник жиҳатдан қонунлар мавжуд бўлсада, лекин маънавий таъсир этиши тўғрисида қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш бугунги кунда давр тақозоси ҳисобланади, — дейди Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳузуридаги Ижтимоий маънавий-тадқиқотлар институти кичик илмий ходими Нигора Ҳусанова. — Уни ишлаб чиқиш болаларимизни турли хил маънавий, мафқуравий таҳдидлардан ҳимоя қилишнинг асоси сифатида хизмат қилади. Бутун дунёда миллий анъана ва қадриятларни сақлаб, уни амалиётга татбиқ қилиш вақти келди.

Хирмонга барака!

Эътиборлиси, кўплаб фермер хўжаликлари биринчи теримдаёқ шартнома режасини муддатидан илгари бажариб кўйган. Шундайлардан бири Бекобод тумани Деҳқонobod хўжалигида жойлашган "Озодбек, Уктамбек, Омад" кўп тармоқли фермер хўжалигидир.

Мазкур хўжалик 2002 йилда ташкил этилган бўлиб, дастлаб 9 гектар майдонда галла, пахта етиштирилган. Хўжалик раҳбари Олимжон Ортиқбоевнинг омилкорлиги сабаб хўжаликка қарашли майдон ҳозирда 86 гектарга етди. Авваллари бу ерларнинг

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)



унмдорлиги паст бўлган. Тупроққа тинимсиз ишлов бериш натижасида галла ва пахтадан

мўл ҳосил олишга эришилмоқда. Олинган даромад эвазига эса 10 дан ортиқ қишлоқ

хўжалиги техникалари харид қилинди. Олимжон ака табиатан анча камгап, аммо пахта, гўза парвариши ҳақида сўрасангиз гапириб чарчамайди.

– Экин парваришида, энг муҳими, агротехник тадбирларни ўз вақтида ва меъёрида бажаришдир, – дейди фермер. – Эрта баҳорда 25 гектар майдонга чигитнинг С-8290 уруғини қададик. Бу навни биринчи бор экишимиз. Аввалига навнинг хусусиятларини яхшилаб ўргандик. Кўрсатилган агротехник тадбирлар туфайли ҳосилнинг чўғи мўл бўлди. Ҳўзаннинг бу нави бошқаларига қараганда касалликларга чи-

дамлилиги ҳамда эртапишарлиги билан бизга маъқул бўлди.

Сўяги меҳнатда қотган Олимжон ака хўжаликни кўп тармоқли қилганидан бери тиним билгани йўқ. "Меҳнатдан келса бойлик – турмуш бўлар чиройлик" деганларидек, фермер ўзини чорвачилик йўналишида ҳам синаб кўрди. Хўжаликнинг 100 бошдан ортиқ йирик шохли чорва моллари бўлиб, улар сут ва гўшт маҳсулотлари учун парваришланмоқда.

Нигора ЎРЛОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири

Матбуот анжумани

КИМЛАР АТТЕСТАЦИЯДАН ЎТКАЗИЛМАЙДИ?

Нурафшон шахрида Кадастр агентлиги ва Давлат кадастрлари палатаси Тошкент вилояти бошқармаси томонидан ҳудудда амалга оширилётган ишлар юзасидан матбуот анжумани ўтказилди.



Унда Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 22 августдаги "Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчиларнинг малакасини ошириш ва уларни аттестациядан ўтказиш тартиби

тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори ижросига асосан амалга ошириладиган ишлар юзасидан маълумот берилди.

– Эндиликда кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчилар ҳар уч йилда камида бир марта малакасини оширади ва тест топширади, – дейди Давлат кадастрлари палатаси Тошкент вилояти бошқарма бошлиғи Жасур Аҳроров. – Олийоҳлани тугатган ва эгаллар мутоахассислиги бўйича биринчи марта ишга кирган шахслар, агар улар мазкур мутоахассислик бўйича икки йилдан кам ишлаган бўлса, аттестациядан ўтказилмайди.



Аттестация суҳбат шаклида ўтказилади. Рўйхатдан ўтказувчига аттестациядан ўтганини тўғрисида гувоҳнома берилади. Гувоҳнома уч йил амал қилади.

Рўйхатдан ўтказувчи аттестациядан ўтмаган, деб топилган тақдирда рўйхатдан ўтказувчи орган уни такрорий аттестациядан ўтказиш учун уч ойдан сўнг, бироқ олти ойдан кечикмай аттестация комиссиясига мурожаат қилади.

Агар рўйхатдан ўтказувчи такрорий аттестациядан ўта олмаса, аттестация комиссияси унинг иш жойига бу ҳақда билдиришнома юборади. Билдиришнома келиб тушган кундан бошлаб, ўн кун ичида рўйхатдан ўтказувчини меҳнат қонунчилигига мувофиқ эгаллаб турган лавозимидан озод қилиш ёхуд бошқа ишга ўтказиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши ва бу ҳақида уч кун муддатда Кадастр агентлигини ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

Шунингдек, ҳомиладор аёллар, уч ёшгача болалари бор оналарнинг муддати келишидан қатъи назар, аттестациядан ўтиши талаб этилмайди.

Нигора ЭРКИНБЕКОВА

Дарвоқе

САКСОН МИЛЛИОН ТОННАЛИК ОҒУ

Интернет маълумотларига кўра, бугунги кунда дунёдаги озиқ-овқат саноатининг 72 фоизда пальма ёғи қўлланилади. Пальма ёғи икки хил усулда, икки хил мақсадда олинади.

Биринчи усулда: қизил пальма ёғи ўсимликнинг мевасидан олинади ва у фойдаланилади, лекин нархи қimmat. Иккинчи усулда: хом пальма мевасининг мағзидан сиқиб чиқарилади ва бу ёғни фақат техник мақсадларда қўллаш мумкин. Асосан ундан биодизель ёғинлиси, косметика ва совун маҳсулотлари ишлаб чиқаришда фойдаланилади.

Яроқлилик муддатининг узқоғли сабабли хом пальма ёғидан бутун дунёда кенг фойдаланилади. Қолаверса, таннархи анча арзон. Бироқ, у саломатлик учун ўта зарарлидир.



Бугун айрим озиқ-овқат, хусусан, қандолат, сут маҳсулотлари таркибига сут ёғи ўрнини босувчи сифатида техник пальма ёғи қўшилиётгани инсон саломатлигига катта хавф туғдиришмоқда. Хусусан, музқаймоқ, сметана, пишлоқ, қаймоқ ва сарийғ таркибига ушбу ёғдан аралаштирилади. Бу эса кишида семизликка мойилликни келтириб чиқаради ва юрак-қон томир касаллигининг кўпайишига олиб келади. Пальма ёғи, шунингдек, ошқозонда «шлак»лар пайдо қилади. Қовурилган овқатлар таркибига қўшилган ёғ, таом қайта иситилганида ўзидан зарарли моддалар чиқаради.

Европа ва АҚШ олимларининг хулосасига кўра, пальма ёғида мавжуд бўлган зарарли кислоталар организмда саратон хужайраларининг кўпайишига шартли яратар экан.

Яна бир ва энг муҳим жиҳат – техник пальма ёғининг 38-40 даражада парчаланишидир. Инсон танаси ҳарорати эса бор-йўғи 36,6 даража эканини инобатга олсак, овқат таркибига организмга кирган пальма ёғи ҳам бўлмай қолиб кетади. Бора-бора томирларга ва аъзоларга йиғилади. Қон томирлар йўлини тўсиб, атеросклероз, гипертония, инсультга олиб келади. Шу сабабли одам кам еб, кўп ҳаракат қилса ҳам вазн тўплайверади.

Айни кунда пальма ёғи дўконларда сотиладиган печенье, бисквитлар, пишириқлар, нон ва бўлжалар, маргарин, шоколад ва шоколад пастаси, чипслар, музлатилган ярим тайёр овқатлар, музқаймоқ, тез тайёрланадиган лапшалар, ёғли сузмалар таркибига етарлича топилади.

Дунёда ҳар йили 80 млн. тоннага яқин пальма ёғи ишлаб чиқарилади. Бу дунё бўйича ишлаб чиқариладиган ўсимлик ёғидан 2,5 баробарга кўп, демакдир. Асосий экспортёр давлатлар Малайзия ва Индонезия ҳисобланади.

Инсон саломатлигига хавф солиши эҳтимоли юқорилиги учун кўплаб давлатлар унинг импортига чекловлар қўймоқда. Лекин Ўзбекистон пальма ёғи истеъмол боради аниқ-таниқ хулосага келгани йўқ. Чамаси, бу ёғдан воз кечиш билан маҳсулотлар нархида яна бир «сакраш» бўлади, деб ҳисоблашади...

Нима қилиш керак? Аввало, истеъмол қилаётган маҳсулотлар таркибига эътиборли бўлайлик. Шубҳаландики, яхшиси харид қилмайлик. Озиқ-овқат ишлаб чиқараётган тадбиркорларимиздан ҳам бу борада ҳалол ишлашларини сўраймиз.

Ўз навбатида, ваколатли ташкилотлар ҳам озиқ-овқат маҳсулотлари назоратини кучайтиришлари мақсадга мувофиқ.

Одил КАРИМОВ тайёради

"Zangiota obodon" мутасаддилари эътиборига

Кўча бошида кўринган чиқинди ташувчи машинага кўзи тушган кўшнилар худди "суюнчи"лагандек, бир-бирларини хабарлай кетишди. Ахир қўлоқларга "тириллаши"ю, сигналининг овози ёқимли муסיқадек эшитилаётган бу ҳайбатли машинанинг маҳаллага оролмаганига нақ 42 кун бўлди-я! Кимдир тоғдек урлаган чиқиндиларини дарвозаси ташқарига чиқариб кўйган, яна кимдир эса, дайди ит-мушуклар титишидан ҳадиксираб уйда сақлапти. Кишда аномал совуқни, ёзда жазирама иссиқни, баҳору кузда яна бир нималарни рўқач қилиб, қорасини ҳам кўрсатмайдиган "Zangiota obodon" МЧЖ мутасаддиларида эса баҳона-ю важлар кўп: ҳали ёниги йўқ, ҳали машиналар носоз, дейди. Аҳолидан эса тўловни ўз вақтида ундиришни қанда қилишмайди.



ЧИҚИНДИГА ЧИҚАЁТГАН ВАЪДАЛАР

– "Zangiota obodon" МЧЖнинг қониқарсиз хизмати одамларнинг жиддий эътирозига сабаб бўляпти, – дейди Тошкент туманидаги Авлиё ота номли маҳалла оқсоқоли Абдумалик Салимов. – Биз бир неча бор ташкилот раҳбарига хат билан мурожаат қилдик. Аммо натижа йўқ. Худудимиздаги маҳаллалар аҳолиси билан келишиб, Тошкент шаҳри аҳолисига хизмат кўрсатадиган 2 та ташкилот билан шартнома тузмокчи ҳам бўлдик. Бироқ, бунинг учун аввалги тузилган келишув бекор қилиниши керак экан. "Zangiota obodon" эса мўмай пулдан қуруқ қолишни ўйлаб, бунга рози бўлма-япти.

– Охириги марта чиқинди ташувчи машина қачон келганини эсололмайман, – дейди "Бунёдкор" маҳалласидаги Машхура Тошпўлатова. – Аслида аҳолининг маиший чиқиндилари ҳафтада 2 марта йиғиб кетилиши керак. Ахир туриб қолган чиқиндилар турли касалликларни кўзгатади-ку?!



Айниқса, ёзда пашшалар кўпайиб, қўланса хидга чидаб бўлмайди. Кўпчилик ноилолликдан тўпналиб қолган ахлатларни пойтахтдаги чиқиндиҳоналарга ташлаб келяпти. Баъзилар эса, экологияга жиддий зарар келтирса ҳам чиқиндиларни ёқиб, қамайтиришга ҳаракат қилишмоқда.

Маълум бўлишича, Тошкент вилоятига 44 та замонавий чиқинди йиғиш машиналари келтирилган. Наҳотки уларнинг бирортаси ҳам бизнинг худуд учун ажратилмаган бўлса? Ушбу саволга жавоб олиш

мақсадида "Zangiota obodon" МЧЖ раҳбари Достон Маъдиев билан телефон орқали боғландик.

– Яқинда вилоят миқёсида мазкур масалага бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди, – деди жамият раҳбари. – Махсус машиналарнинг 10 таси корхонамиз иختиёрига берилди. Ҳозирда улар туман ҳокимлиги биноси олдида турибди. Янги машиналарнинг қатнови йўлга қўйилиши билан Тошкент туманидаги маҳаллаларга ҳам ҳар ҳафта жадвал асосида кириб боради.

Шу гапга ҳам қарийб бир ой бўлди. Маҳаллаларда ҳалигача чиқинди ташувчи техникалар кўринмаётганига қараганда, улар ҳамон туман ҳокимлиги биноси олдида савлат тўкиб турибди, шекилли. Бу ёқда эса одамлар қийналяпти. Аммо бу билан ҳеч кимнинг иши йўққа ўхшайди. Яна ким билсин...

Аллома АЗИЗОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири

Кўзгудаги ўзимиз

Оғабек оилада ягона фарзанд эди. Ота-онаси оилавий шароити у қадар яхши эмаслиги боис эндигина Тошкент давлат транспорт университетининг биринчи босқичини тамомлаётган 20 ёшли ўғлининг "контракт"ини тўлашга бироз қийналиб қолишганди. Бунга жим қараб туролмаган ўғлон: "Ўқийман сиртки. Мен дарсларим бошланғичча Россияда ишлаётган амакининг олдида бориб, пул ишлаб келаман. Шунда шартнома пулини ҳам тўлашга қийналмайман", – дея чет элга кетишга аҳд қилди. Яққо ягона фарзандини ўзга юртларда ишлашига қарши бўлган ота-онанинг: "Ўзимизда меҳнат қилиб ҳам пул топсанг бўлади-ку", – деган гаплари уни бу йўлдан қайтара олмади. Амакиси ўзим кўз-қулоқ бўламан, дея таъкидлаганидан сўнггина уйдагилари рози бўлишди. Бир амаллаб қарз-ҳавола қилиб, йўл харажати пул топишди. Ўғил хорижга кетди. Орадан бир ойча ўтар-ўтмас ортага қайти. Фақат тобутда...

Кейинчалик маълум бўлишича, у иш жойида кўнгилсиз ҳодиса оқибатида вафот этибди. Ота-онанинг уша ондаги ахволини сўз билан таърифлаб бўлмайди.

Тирикчилик ташвиши инсонни ҳар қўйга солади. Кимдир ўз юртида бориға қаноат қилиб яшаса, яна кимдир мўмай даромад орузида чет элга отланади. Бироқ у ердаги қийинчиликлар, оғир меҳнат кўпчилигининг хаёлига келмайди.

Сўнги вақтларда ижтимоий тармоқларда хорижга меҳнат қилиш учун кетган ҳамюртларимизнинг мудҳиш воқеа оқибатида вафот этгани, ҳужжатлар билан боғлиқ муаммо сабаб қамалгани ва шунга ўхшаш хабарлар кўп-кўп янграб турибди. Америка орузида йўлга отланганларнинг аянчли қисмати-ку алоҳида мавзу. Афсуски, рўй

бераётган воқеалар ҳам хорижга интилувчилар сонини қамайтираётгани йўқ. Ташкилот миграцияси агентлигининг маълум қилишича, 2022 йил якуни бўйича Ўзбекистондан хорижий давлатларга ишлаш учун чиқиб кетган мигрантлар сони 2 млн. 346 минг нафарни ташкил қилган.

Айниқса, чекка худудлардаги аксарият

ишлаб, бири икки бўлаётганлар йўқ эмас. Бироқ, улар ҳунари бор, қўли гул уста, ошпаз ва шунга ўхшанган бир касбни пухта эгаллаганлардир. Кетаётганларнинг аксариятида эса оддий ҳунар ҳам йўқ.

– Илгари мактабда тарих фанидан дарс бераддим, – дейди хорижга ишлашга кетган фуқаро. – Ойлик у қадар кўп эмас, рўзгор,



ёш йигитлар: "Теъроқ мактабни битирсаму чет элга пул ишлаб, бойвачча бўлиб кетсам", деган хаёллар оғушида юради. Мактабни битириши билан дўст-яқинларидан эшитиб, тасаввурда ҳар қуни сайр қилиб юрган "орзулар мамлакатига" боради. Маълум вақт ўтгач, у ерда пулни шунчаки сўтуриб олиб бўлмаслигини англаб етди. Хорижга отланганларнинг кўпчилигида: "Ана, фалончи хорижда ишлаган пулга дангиллама ҳовли қўрди, бизнесини йўлга қўйди. Менинг ундан қаерим кам?", – деган тасаввур пайдо бўлган. Тўғри, у ерда

бола-чақадан орттириб бўлмасди. Шу сабаб ишдан бўшаб, дўстларим тавсияси билан Австралияга кетдим. У ерда ойига 3-4 минг АҚШ долларини топиш мумкин. Бироқ, харажатларингиз ҳам шунга яраша бўлади. Еб-ичиш, яшаш хуллас, анча харажат қиламиз. Соғлигингизни уйлашга эса вақтингиз бўлмайди. Касал бўлдингизми, ҳеч кимга керак эмасиз. Гўё ишдан чиққан матоҳдек бир четга улоқтиришади. Бунинг кучли шамоллаб, бир ой тўшқача "михланиб" қолганимда бошимдан ўтказдим. Ишонасизми, ёнимда са-

рик чақам йўқ. Ҳеч ким шунчаки ёрдам берай демайди. Кимдан қўмақ сўрасанг: "Do you have a money?" (пулинг борми?) деб сўрайди. Минг қилса ҳам ўзга ерда ўзга экансан. Охири, бир таниш топиб, ўзимни депортация қилишлари учун катта маблаг тўладим ва шу орқали юртимизга қайтиб келдим. Ҳозир яна мутоахассислигим бўйича ишляпман. Ундан ташқари, кўвчи тайёрламан. Хориждаги каби пул топмасам ҳам, оилам даврасида, ўз уйимданам.

Тошкент вилоятидан ҳам моддият ташвишида хорижга чиқиб кетганлар етарлича. Статистик маълумотларга қараганда, жорий йилда вилоятдан чет элга кетган мигрантлар сони 13 минг 424 нафарни ташкил этади. Ажабланарлиси, мазкур соннинг катта қисми саноати ривожланган Чирчиқ шаҳри (1 минг 88 нафар), Зангиота (1 минг 219 нафар) ва Қўбрай (1 минг 309 нафар) туманларига тўғри келади. Бу 2022 йилги кўрсаткичдан деярли 5,3 мингга камлиги бироз таскин беради. Ўтган йилда 18 минг 672 нафар вилоят фуқароси хорижга кетган.

Ҳўш, унда ўзимизда иш тополмай юрганлар ёки ойлик маоши оиласи харажати етмаётганлар нима қилисин? Бориға қўниб, уйдан чиқмай ўтирсинми? Йўқ, хорижий давлатларга ҳам қонуний кетиш мумкин. Охириги йилларда юртимизда чет элга ишлаш истагида юрган фуқароларни шартнома асосида хорижга жўнатиш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, дунёнинг бир қатор давлатлари билан бу борада алоқалар ўрнатилиб, Ташкилот миграцияси агентлиги томонидан вақтлар ижтимоий тармоқларда доимий эълон қилинмоқда. Энг муҳими, четда ишлагани расмий йўл билан кетганларнинг кейинги тақдирини, саломатлиги ҳам доимий назоратда бўлади.

Сухроби САДИРОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири



TOSHKENT VILOYATI HUNARMANDLARI

ВАКИЛЛАРИМИЗ СОВРИНДОРЛАР САФИДА



Аввал хабар берганимиздек, Кўжон шаҳрида Иккинчи Халқаро хунармандчилик фестивали бўлиб ўтди.

Уч кун давом этган анжуманда жаҳоннинг 70 та давлатидан 260 нафардан зиёд мохир хунарманд ва усталар, маданият ва санъат намояндалари, оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳамда нуфузли халқаро ташкилотлар вакиллари, шунингдек, мамлакатимизнинг 14 та ҳудудидан 700 нафар хунарманд иштирок этди. Халқаро фестивал иштирокчилари Президентимиз табрик йўллади. Фестивалда вилоятимиздан 40 га яқин хунармандлар уч мингдан зиёд маҳсулотлари билан қатнашишди. Якуний натижаларга кўра, Янгийўл туманидан Беҳзод Мадримов "Энг яхши хунарманд", зангиоталик Бибибора Раҳматуллаева "Энг ёш хунарманд" номинацияларида совриндорлар сафидан жой олиб, тақдирландилар.

Ўз мухбиримиз

СПОРТ янгиликлари

СУПЕР "КАМБЭК"!

Айни кунларда футбол бўйича Ўзбекистон терма жамоаси Тошкентда ўқув-йигин машғулотли ўтказмоқда.



Жаҳон чемпионатига тайёргарлик вазифасини ўтаб берадиган мазкур йигин доирасида вакилларимиз Қувейт жамоаси билан учрашди.

Дастлабки баҳсда 3:0 ҳисобида галаба қозонган футболчиларимиз иккинчи учрашувда 2:4 ҳисобида ортада қолишга мажбур бўлди. Аммо якунда супер "камбэк"ни амалга оширган ҳолда 5:4 ҳисобида галаба қозонишди.

Терма жамоа таркибида Ҳусниддин Нишонов ва Элбек Тўлқинов дубль қайд этган бўлса, Ихтиёр Роғиев бир бора рақиб дарвозасини ишғол қилди.

ХАНЧЖОУДАН ХАБАРЛАР

Осиё ўйинлари доирасида академик эшак эшиш баҳслари якунланди.



Хусусан, Тошкент вилояти спортчиси Алишер Турдиев Шехроз Ҳақимов, Дилшоджон Худойбергандов ва Даврон Давронов билан тўртлик баҳсида иштирок этиб, олтин медални қўлга киритди.

Аёллар ўртасидаги беллашувларда эса юртимиз вакиласи Анна Практен ҳам олтин медалга сазовор бўлди.

Шу тариқа, Ўзбекистон терма жамоаси мазкур спорт тури якуни бўйича 2 та олтин, 4 та кумуш ва 1 та бронза медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида Хитойдан сўнг 2-ўринни эгаллади.

Мусобақанинг дзюдо беллашувларида -73 кг. вазн тоифасидагилар ўртасидаги баҳслар ҳам якунига етди.

Кувонарлиси, ушбу вазнда ҳамюртимиз Муроджон Йўлдошев финалда япониялик Соичи Хашимотони мағлуб этиб, Осиё ўйинлари чемпионга айланди.

Бу Ўзбекистон делегациясининг Ханчжоу-2022 Осиё ўйинларида қўлга киритган тўртинчи олтин медали бўлди.

"Тошкент ҳақиқати" мухбири Сухробжон САДИРОВ тайёрлади

Дарвоқе

ҲАР РАНГИДА БИР ШИФО



Мутахассисларнинг таъкидлашича, турли рангдаги олмалар ўзига хос фойдали хусусиятларга эга ва уларни танлашда ушбу омилни ҳисобга олиш муҳим.

Яшил олма – аллергия билан оғриганлар учун

энг парҳезли ва фойдали мева. Шунингдек, зарарли бактерияларнинг кўпайишини бартараф этади ва овқат ҳазм қилишни яхшилайди.

Қизил олма – ҳужайраларни эрта қаришдан ҳимоя қилишга ёрдам беради.

Қизил олма териси С витаминига бой бўлиб, юрак-қон томир тизими яхши ишлашига ёрдам беради.

Сариқ олма – жигар ва ўт пуфағи фаолиятини яхшилайди.

Мана гап

Жазолашдан кўра кечирмоқлик мардликдир. Оғир одам кечиролмайди. Афв этиш кучлилар фазилатидир.

Маҳатма ГАНДИ



Ўрикнинг ҳам, илмнинг ҳам мағзи ширин...

Жалолитдин ЭСОНОВ олган сурат

"Ҳақиқат" чойхонаси

АВВАЛ "ЗАКАЛАТ", КЕЙИН ШОКОЛАД!

Бир кун қарз берган жойга қирқ кун салом бер.

Отангни онангга бепул кўрсатма.

Оз-оз сўраб, пулдор бўлур. Орланиб сўрамаган қарздор бўлур.



Бир тушликка қирқ минг сўм оз.

Эрни эр қиладиган ҳам, шер қиладиган ҳам – пул.

Қаторда терминал бўлса, пластик ерда қолмайди.

Топган пул келтирур, топмаган МИБнинг хатини.

Аввал "закалат" кейин шоколад.

Кўрпанга қараб ижара пулини узат.

Бухгалтер билан юрсанг, етарсан муродга, Профком билан юрсанг, курортга.

Иш бошқа, аванс бошқа.

Узоқдаги доллардан яқиндаги сўм яхши.

Мард касса олдида синалади.

Пулдор ачитиб гапирар, қарздор кулдириб.

Балиқ сув билан тирик, одам пул билан.

Ёш келинчакнинг янги хонадонга келганига ҳам бир ойдан ошдики, аммо бу оиллага тўла-тўқис кириши олгани йўқ. Бунинг устига келин билан қайнона хусусида тажриба ва тажрибасиз дугоналарнинг панд-насиҳатлари бошини қотиради. Айниқса, ўзини уста психолог деб билувчи педагог дугонаси "Ўқитувчининг дастлабки қадамиданок, биринчи дарсидаёқ ўқувчилар унга баҳосини бериб қўяди. Агар муаллим уларнинг жилловини қўлига олмас экан, унинг ҳолига во! Ахир 20-25 болани ўзига қаратиб, уларнинг диққатини жалб қилиш осон иш эмас. "Буни мен, лаёқатли психолог сифатида айтаман", деб маслаҳатини тугатарди.

Онасининг ўқитишлари эса ҳаммасидан ўтиб тушарди. "Борган жойингда тошдай қот, қизим. Қайнонанинг кўнглини топ! Она-боладай яшанглар, ука ва синглининг келгуси тақдири сенга боғлиқ, шуни эсдан чиқарма!" дейишдан нарига ўтмасди.

Қайнона эса... У анойи ҳам, ёлғиз ҳам эмас. Гап-гаштақдаги ҳожи оналар, қайноналик сир-асрорларини обдон эгаллаб манаман деб керилган дугоналарининг йўл-йўриқлари ҳам охир-оқибат келиннинг "жилловини" қўлга олиш масаласига бориб тақаларди.

Бора-бора ёш келиннинг ҳафсаласи пир бўлди. Ё ўзи укувсизлик, ёшлик қилдим, қисқаси "жиллов" қўлдан кетгандай туюлаверди.

Келин шайтонга ҳай беролмади. Дугоналари мақтаган, дами ўткир домланикка қараб йўл олди. Домланинг салобати босдим, неча кундан бери ўйлаб қўйган сўзлари бутунлай эсидан чиқиб, доғдираб қолди. Бундай пайтларда қизларнинг қуроли битта – кўз ёши! Қўйилиб келаётган кўз ёшларини арта-арта "қайнонам кун бермаяпти", дейишдан бошқа

гап тополмади. Бундай ҳолат домла учун янгилик эмас. "Бўлди йиллама, қизим, бир чорасини топамиз, – деб далда берди келинга. – Фақат сен шоммасдан гапир-чи, нима бўлди ўзи?". Сўхбат узоқ чўзилмади. Домла одатдагидан ўзгача йўл тутди. Балки яқиндагина узатган невараси эсига тушиб кўнгли бўшашдими, нима бўл-

ДОМЛАНИНГ ҲИЙЛАСИ



ганда ҳам келинчакка меҳрибонларча насиҳат қилди:

– Қизим, хотиржам уйинга боравер, икки кундан кейин келасан, дори тайёрлаб қўяман. Ҳамма ишинг яхши бўлади, – деб кетишга руҳсат берди. Катта умидлар билан домлага раҳмат айтиб кетган келин минг хаёл билан вақтни зўрга ўтказди.

– Мана, қизим, сенга зардоб тайёрлаб қўйдим. Эҳтиёт қилиб ойижонингни овқатигаям, чойигаям қўшиб

Турмуш чорраҳаларида

берасан. Буни эҳтиёт қил, икки ойга етказгин. Шу давр давомида дори аста-секинлик билан таъсир қилиб, онажонингни адо қилади. Ўзинга эҳтиёт бўлсанг, ҳеч ким сендан кўрмайди, касалликдан деб ўйлашади. Мақсадингни сезиб қолмасликлари

га йўл йўқ. Охиригача борамиз. Бу ёнгига юриш-туришингни, хулқ-атворингни тубдан ўзгартирасан! Токи, бу ишларда сендан гумонсирашмасин. Ҳозирча дорини бермагин, аммо жуда эҳтиёт қил!

Икки ўт орасида қолган келин уйига қайтар экан, бўлганча бўлди. Ниҳоят домланинг айтганини қилиб, вақтинча бўлса-да бутунлай ўзгариб, яхши келин родини бажаришга киришди.

Қайнона ҳайрон! "Ишқилиб кўз тегмасин", – дейди нуқул. Дарҳақиқат, келин ойижони атрофида "гирди капалак", кўзига қараб туради, нима демоқчилигини олдиндан билиб олишга интилади. Ора-сира чўнтагидаги рўмолчага ўралган шишачани пайпаслаб қўяди.

Кун кетидан кунлар ўтиб, келинчак қайнонага меҳр қўя бошлаганини сезмай қолди. Ахир юзларидан нур ёғилиб турадиган шундай нуроний онахон эканлигини нечук олдин сезмаган экан. Секин-аста домладан кўнгли қола бошлади. Бу қандай фожики, фариштадай онахоннинг жонига қасд қилмоқчи бўлибди-я!

Бу фикр қатъиятга айланиб, ғазаб билан домланинг олдига борди. Салом-алиқдан сўнг: "Сиз қандай даҳшатли одамсиз-а!" – деб чатнади.

– Тўхта, она қизим, нахотки мени жаллод деб ўйласан! Қани ўша дорини бер-чи менга, – деди домла ва келиннинг қўлидан шишани олиб, бир кўтаришда ичиб юборди-да, "Чанқаб турган эдим", деди жилмайиб.

Келинчак ханг-манг бўлиб қолди... И. НЕЪМАТИЛЛАЕВ, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси, фахрий журналист



TOSHKENT HAQIQATI TASHKENTSKAYA PRAVDA

Muassis:
TOSHKENT VILOYATI HOKIMLIGI



"Toshkent haqiqati" va "Tashkentskaya pravda" gazetalarini tahrir hay'ati:

Zoyir MIRZAYEV (tahrir hay'ati raisi)

Umrat MIRZAQULOV

Hotamjon SAYDAHMEDOV

G'afurjon MUHAMEDOV

Sirojiddin ESHQUVVATOV

Tohir ARIPOV

Mahmud TOIR

Uskenboy ATEMOV

Abdulla XURSANOV

Mahmudjon BOLTABOYEV

Kumush EGAMBERDIYEVA

Olimjon BEGALIYEV

Zarifa ERALIYEVA

Sergey MUTIN

Bosh muharrir:

G'ayrat SHERALIYEV

Qabulxona: (55) 520-64-95

Bosh muharrir o'rinbosari: (55) 520-04-10

Mas'ul kotib: (55) 520-05-10

Bo'lim muharrirlari: (55) 520-06-20, (55) 520-04-20

E'lonlar va hisob-kitob bo'limi: (55) 520-21-20

e-mail: toshkentaqiqati@umail.uz

Mas'ul kotib: Alloma AZIZOVA

Navbatchesi: Nigora O'ROLOVA

Bosishga topshirish vaqti - 21.00.

Bosishga topshirildi - 21.00

Nashr ko'rsatkichi - 205.

Buyurtma G-931.

5 197 nusxada chop etildi.

Hajmi - 2 taboq. Ofset usulida bosildi. Qog'oz bichimi A-2.

Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida

2011-yil 12-yanvarda

03-001 raqami bilan ro'yxatga olingan.

Manzil: 111500, Nurafshon shahri, Toshkent yo'li ko'chasi, 90. Toshkent shahridagi ofisimiz: Bektemir tumani, Ittifoq ko'chasi, 2.

ISSN 2010-9318. Gazeta «Toshkent haqiqati» tahririyati kompyuter markazida terildi va Tohir Mahmudxo'jayev tomonidan sahifalandi. Haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi. «SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida bosildi. Korxonada manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. 123456